Ассалому алайкум, Наврўз!

Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 58 (21. 177) 1992 йил 21 март, шанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

РЕСПУБЛИКА ФУҚАРОЛАРИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Муҳтарам юртдошларим!

Мустақил Ўзбекистон янги умидлар билан фасли Наврўзга қадам қўймоқда.

Орзу-армонларимизни, мустақиллигимизни, бизни дунё тан олганини бугун гулга бурканаётган она табиатнинг ўзи кўриб турибди.

Келинг, ҳаммамиз ана шу Наврўз айёмида бирга-лашиб, қўлни-қўлга бериб, тақдирга яна бир бор раҳматлар айтайлик!

Халқимиз бошидан кечираётган қийинчилик ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Лекин доно ва чидамли, насибаси бутун халқимиз билан бу оғир синовлардан ҳам ёруғ юз билан чиқишимизга ишончим комил.

Бугунги кунда эл-юртимизга тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик ҳаводек, сувдек зарур.

Ҳар бир фуқаро ўртасида дўстлик, меҳр-оқибат, имон, ҳалоллик, миллатлар аҳиллиги биз учун муқаддас бўлмоғи керак.

Қуръони Каримда инсонлар қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар ўзаро биродардир, деган пурҳикмат ғояни эъзозлаб, имонимизни бақувват қилайлик.

Тарихнинг ўзи омадимизни бериб турибди, қадрига етайлик. Бутун бойлигимизни ўз қўлимизга

олдик. Бор бойлигимизга янги бойликлар қўшилмоқда. Янги-янги насибаларимиз Мингбулоқ бўлиб она замин бағридан фавворадек отилиб чиқмоқда.

Табиат саховатини, борлиғини халқимиздан аямаяпти. Осмону замин ҳам йилдан-йилга мурувват қилиб келмоқда. Меҳнатқаш халқимиз бунга яраша тер тўкиб ҳалол меҳнат қилаяпти.

Буларнинг барчаси пок — холис мақсадларимизга яраша Оллоҳ таолонинг бизга юбораётган эҳсонларидир. Оқ фотиҳаларининг намоён бўлишидир. Аждодларимиз руҳларининг бизга мададкор бўлаётганидир.

Мен буюк ва қудратли, севимли ва азиз халқимга унинг бир фарзанди сифатида мурожаат қилиб айтаманки, ишонинг, кимники нияти пок бўлса, эл-юрт, халқи учун фидойилик билан холисона меҳнат қилса, албатта қайтади.

Ҳар кимнинг уйи, ҳар кимнинг хонадони, ҳар кимнинг оиласига файз бўлиб қайтади.

Бу муқаддас кунларда мен бунга ҳар доимгидек ишонаман. Сиз, азизларни ҳам ишонишга чақираман.

Муҳтарам ватандошларим, жигарбандларим!

Барчангизни Наврўз билан яна бир бор муборакбод этаман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚЛАРИГА, БАРЧА ФУҚАРОЛАРИГА ҚУТЛОВ

Азиз биродарлар, ёру-дўстлар!

Сизларни халқимизнинг қалб тўридан ўрин олган азалий, анъанавий байрами — Наврўз билан самимий муборакбод этамиз.

Бу йилги Наврўз шодиёнаси халқимиз асрлар давомида орзу-ният қилиб келган миллий мустақиллигимизнинг илк баҳори, ҳақиқий янги йил билан ҳамоҳангдир. Наврўз бу — умумхалқ байрами, дўстлик, тотувлик ва биродарлик байрами. Наврўз — деҳқончилик байрами, яшариш, янгиланиш ва покланиш байрами. Наврўз — меҳнат байрами, меҳр-оқибат ва мурувват байрами. Она табиат ҳам оғир дамларни ўз бошидан кечираётган ҳур халқимизга ер қаърида яшириниб ётган «қора олтин» — нефтни унинг рўшноликка эришиши йўлида саховат ила туҳфа этди. Келинглар, юртдошлар, саҳий табиатдан ўрнак олайлик, бир-биримизга меҳрибон ва елкадош бўлайлик, жонажон Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлида, халқимизнинг тўлатўкис турмуш кечириши йўлида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилайлик, истиқлолимизнинг мустаҳкам тагзаминини барпо этайлик.

Бахт-саодат, омад ва хурсандчилик доимий йўлдошингиз бўлсин.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЕСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ.

ЖАМОЛИНГ БАЙРОҒИМИЗДА!

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

БИЗ ЯШАЁТГАН муаззам замин минглаб марта янги йил кутган, минглаб марта Наврўзни байрам қилган. Лекин минг йиллик солномаларни варақлаган тарихчи сифатида шуни айтмоқчиманки, бу йилгидек Наврўз байрами ўтган асрларнинг ҳеч бирида бўлган эмас.

Тўғри, ҳозирги Ўзбекистон тупроғида қудратли мустақил давлатлар бўлган. Биз ўтган асрда қўлдан бой берган миллий мустақиллигимизни қайта тиклаганимиз ва юз ўттиз йиллик қарамликдан сўнг, ниҳоят, энди биринчи марта Наврўзни мустақил давлат сифатида нишонлаётганимиз жуда зўр шодиёнага муносибдир. Шодлик ҳам қўша келади, деганлари рост экан. Дилларимизга алоҳида қувонч бағишлаётган яна бир улкан тарихий ҳодисани эслаб ўтмоқчиман.

Уч минг йиллик тарихимизда энг қудратли давлатлардан бўлган Ўғизхоннинг туркий ҳоқонлиги бизнинг ўлкаларда юксалган, уни Шарқда Хитой, Жанубда Ҳиндистон-Ғарбда мағриб ва машриқ тан олган. Ўн тўртинчи асрда оламни ларзага келтирган Амир Темур давлатини шарқда Хитой, Ғарбда Англия, Испания ва Италиялар тан олган эди. Аммо дунёнинг бошқа қитъалари яқин кунларгача бизни давлат сифатида тан олган эмас эди. Мана, ҳозир тарихимизда биринчи марта жанубий ярим шардаги Австралиядан тортиб, шимолдаги Финляндиягача, Африка мамлакатларидан тортиб, Жанубий Америкадаги Аргентинаю, Бразилиягача, Англиядан тортиб, АҚШ ва Канадагача дунёнинг юздан ортиқ мамлакатлари мустақил Ўзбекистон давлатини тан олди. Биз ер курасининг энг нуфузли уюшмаси бўлган БМТга катта обрў билан шарафли бир тарзда аъзо бўлдик. Бу оламшумул шарафнинг гувоҳи бўлган вакилларимиз Ўзбекистоннинг ой ва юлдузли гўзал байроғини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мажлислар зали қарсаклар билан кутиб олганини айтиб бердилар.

ДУНЁНИНГ бошқа жойида иккинчи бор Ўзбекистон бўлмагани каби, ҳеч бир мамлакатда бизнинг байроғимиз каби наврўзий юлдузлари чарақлаган ажойиб байроқ ҳам йўқ.

Чунки, бизнинг янги байроғимиз гўзал Наврўздан ҳусн олган. Унда тиниқ Наврўз осмонидаги мовийлик, Наврўз табиатидаги яшиллик, Наврўзда очиладиган бодом гулларининг мусаффо оқ ранги, ҳамал, савр, жавзо, саратон, мезон — ҳар бири осмондаги битта ёруғ юлдузнинг номи бўлган Наврўз тақвимининг ойлари — шунинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг ҳусну жамолидан, халқимизнинг гўзал руҳидан, улуғ тарихимиз ва ёруғ келажагимиздан нишона бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдидаги байроқлар сафида ҳилпираб турибди.

Биз шу кунларга етиб келишни қачондан бери орзу қилиб юрар эдик. Янги байроғимизни бултур кеч кузда Олий Кенгаш сессиясида шу эзгу тилак билан қабул қилган эдик. Аммо бу тилак биз кутгандан ҳам тез — учтўрт ой ичида ижобат бўлди. Бу ҳаммаси халқимизнинг холис нияти ва ҳалол меҳнати туфайли ва оқилона сиёсат олиб борган раҳбариятимизнинг саъйи-ҳаракатлари билан содир бўлган улкан воқеалардир.

Эндиги бизнинг ҳамма ҳаракатимиз — халқимиз руҳининг тимсоли бўлган байроғимиз етиб борган юксакликка иқтисодимиз, маданиятимиз, турмуш даражамизни ҳам етказиб боришга қаратилгандир.

БУГУН барча ватандошларимизни Наврўзи олам билан самимий табриклаб айтадиган эзгу тилагимиз шуки, келгуси Наврўзларгача Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, бутун халқи, ҳар бир фуқароси жаҳоннинг энг тинч ва фаровон яшаётган халқлари ва фуқаролари қаторига етиб борсин ва сизу биз ҳам толеннинг бу янги неъматларидан баҳраманд бўлайлик!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» НАВРЎЗ ДАСТУРХОНИГА ЧОРЛАЙДИ

Бугун 21 март куни Тошкентдаги Ҳамза номли театрда эрталабдан бошлаб «Ўзбекистон овози» рўзномасининг Наврўз байрами ўтказилади.

Ушбу муборак кунда бир-биримизга бўлган дўсту биродарлик муносабатларимиз, изҳор этадиган илиқ-иссиқ дил сўзларимиз улуғ давлатимиз — муқаддас Ўзбекистонимизга, унинг порлоқ эртасига ишонч-садоқатимиз намойишига айлансин.

НАВРЎЗ БАЙРАМИМИЗГА МАРҲАБО!

ШУКРОНА

Муҳаммад СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ.
Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси раиси, муфтий

Бугун Ўзбекистон жумҳуриятимиз бўйлаб нишонланаётган Наврўз байрами яхши кунларимиздан биридир. У ўзининг аҳамияти билан барча инсонларни баҳордан бошлаб ғайрат ва шижоат билан меҳнат этишга, эл-юрт рўзғорини бут қилишга даъват этди. Наврўз Рамазон ойига тўғри келганлиги ҳаммамиз учун ғоятда қувонарли ҳамдир.

Аллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, бандаларига меҳрибонлиги туфайли уларга ҳидоят йўлини кўрсатиш билан бирга гуноҳларини бу дунёнинг ўзида кечириб юбориш учун бир неча имкониятларни ҳам муҳайё қилган. Ўша сабабдан бири рўза тутмоқликдир.

Аллоҳ таоло ўзи яратган нарсалари орасидан баъзиларини алоҳида танлаб, бошқаларидан афзал қилиб қўйган. Аллоҳ инсонлардан Муҳаммад Алайҳиссаломни, ердан Маккан Мукаррамани; Мадинаи Мунаввани ва Қуддуси шарифни; шунингдек Рамазон ойини; кечалари ичидан Рамазон ойида содир бўладиган Лайлат-ул Қадр кечасини фазилатли қилган.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси Наврўзга атаб бугун намойиш этадиган катта ҳайрия марафонида пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом ҳақида ҳикоя қилувчи рисола фильм қамраб олинганлиги эътирофга сазовор воқеадир. Бу фильмни Лиания киноустаси Мустафо Аккод 1975 йилда тайёрлаган. У жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида бир неча марта ихлос билан намойиш этилишга сазовор бўлган. Уни кўрган томошабинларнинг сони юзлаб



миллион кишидан ошиб кетади. Томошабинлар бу кино асарига ўзларининг муносиб баҳоларини беришди.

Менинг ишончим комилки, биз бу фильмни мустақил республикамиз биринчи марта нишонлаётган миллий Наврўз байрами кунида ғоятда эзгу ихлос ва поклик билан кўрамиз ва бундай табаррук кунларга етиб келганлигимизга Тангри таолога шукроналар билдирамиз.

ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАВРИДИ

Киевдаги учрашувда Ислом Каримов раислик қилмоқда

«Ўзбекистон» деб ёзилган оппоқ тайёра тўрт соатдан кейин 19 март кечқурун Борисполь тайёрагоҳига қўнди. МДҲга аъзо бўлган давлатлар бошлиқларининг учрашувида қатнашиш учун келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни самолёт пилларояси ёнида Украина бош вазири Витольд Фокин самимий табриклаб кутиб олди.

20 март эрталаб Ҳамдўстликка кирувчи давлатлар бошлиқлари кенгашининг мажлиси бошланди. Мезбон сифатида учрашувни Украина Президенти Леонид Кравчук очди. Меҳмонларни қадимий Киев диёрида анъанавий табрик сўзлари билан қутлагач, Украина давлатининг бошлиғи бугунги аҳвол ҳақида, ҳозир олий лавозимдаги раҳбарларнигина эмас, ҳар бир кишини ҳам ташвишлантириб турган муаммолар тўғрисида дард билан гапирди.

Гарчи сиёсатда осон даврлар бўлмаса ҳам, ушбу учрашув бениҳоя мураккаб, оғир даврда ўтмоқда, деб таъкидлади Л. Кравчук. Замонлар яхшиланиш ўрнига тобора ёмонлашиб бораётганидан далолат берувчи тамойил айниқса таҳликалидир.

Украина раҳбари МДҲдаги иқтисодий аҳволни таърифлаб, тўппа-тўғри шу гапни айтди: биз жар ёқасига келиб қолдик, десак камлик қилади, ҳатто унга тойиб бораяпмиз. МДҲ доирасида биз биронта йирик иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий-сиёсий масалани ҳал эта олмаганлигимиз таассуфга лойиқдир. Биз халқларимизнинг тақдири учун жавобгармиз ва халқ ҳамдўстликнинг тақдири учун биздан талаб қиладиган пайт келди. Агар бир—икки ой муқаддам биз чақалоқ туғилди, деб айтган бўлсак, энди кун сайин унинг бундан буёнги ҳаёти ва энг муҳими — МДҲни барпо этиш пайтида олдимизда турган муаммоларни ҳал эта олишимиз ёки эта олмаслигимиз ҳақидаги саволлар тобора долзарб қилиб қўйилмоқда.

Леонид Кравчукнинг фикрига қўшилса бўлади — умидворлик билан гапириш учун энди арзигулик асос йўқ. Унинг Киев учрашуви бурилиш нуқтаси бўлиши керак, ҳамдўстлик давлатлари МДҲни тузиш пайтида ўз зиммаларига олган масалаларни ҳал эта оладиларми ёки йўқми деган саволга ҳалол ва рўй-рост жавоб берадиган пайт келди, деган гапига ҳам қўшилмоқ керак.

— Имкониятларимиз ҳали тугагани йўқ, илож борлигига ишонаман, бироқ барча масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун зўр бериб куч-ғайрат, куч-ғайрат ва яна куч-ғайрат сарфламоқ керак бўлади, деб ўйлайман. Сўздан ишга ўтадиган пайт келди, — Леонид Кравчук ўзининг кириш нутқини мана шундай умидворлик руҳида тугатди.

Унинг таклифига биноан Киев учрашувида Ислом Каримов раислик қилади.

— Мен самарали ишлашимиз учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилишга интиламан, — деди Ўзбекистон Президенти. — Рис сифатида ўзаро ҳурмат, ўзаро сабр-тоқат, хушмуомалалик ишимизнинг асосий шарт-шароити бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Биз жуда мураккаб масалаларни ҳал этиш учун жуда қийин пайтда йиғилганимизни яхши ҳис қилишимизни ҳоҳлар эдим. Ҳаётимизни белгилаб берадиган айрим масалалар хусусида кўпгина нуқтаи назарлар мавжуд. Шу масалалар юзасидан ҳар бир томоннинг фикрини хайриҳоҳлик билан тинглашимиз жуда муҳимдир. Шундан кейин биз ўз нуқтаи назарларимизни яқинлаштиришга ва, ниҳоят, етилган муаммоларни ҳал эта бошлашга, амалий ҳаракатларга киришишга муваффақ бўла оламиз.

Президентимиз зиммасига оғир вазифа тушди. Кун тартиби тасдиқланди. Унда йигирматадан кўпроқ, ўттизтача масала бор. Матбуот марказида ишлаётган журналистларни ҳозирча бу масалалар билан таништиришгани йўқ. Журналистлар билан икки соатлик суҳбат учун ҳам ҳали узил-кесил вақт тайин қилинмади. Бу учрашув Киев вақти билан ё 19 да, ё бўлмаса 23 да бошланади...

Ўзбекистон Президенти табаррук Наврўз кунини ўз халқи билан бирга кутиб олса — учрашув ярим тунда бўлса ҳам, шояд, бугун тугаса, деган умиддамиз. Тугаса бўлгани.

Музокаралар столи атрофида ҳамдўстликдаги тўққиз давлатнинг бошлиғи ўтиришибди. Озарбайжондан давлат котиби, Туркманистондан Олий Кенгаш Раиси қатнашмоқда.

Учрашувга қизиқиш жуда катта — дунёнинг ҳамма томонларидан Киевга салкам бир ярим минг журналист келган. Учрашув ўтказилаётган бино ёнида эса намойишчилар йиғилишган. Улар орасида «МДҲ — Украина учун жилов» қабилидаги шиорлар кўзга ташланади, эҳтиросларнинг жўшиб қайнамоқда, аммо яхшилик бўлишига умид қилгимиз келади.

Журналистларга шу онда маълум қилишди: Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг навбатдаги учрашуви Тошкентда бўлади. Ҳозирча Киев учрашувининг якунларини кутаяпмиз.

Святослав ФЕНЮТИН,
ЎзА махсус мухбири.

СУРИЯ АРАБ ЖУМҲУРИЯТИ ҲАШКИ ИШЛАР ВАЗИРИ АЛ ШАРАА ФАРУҚНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИЛАДИГАН ТАШРИФИГА ДОИР

Ал Шараа Фаруқ Даража шаҳрида 1938 йилда туғилган. 1963 йилда Дамашқ дорилфунунининг инглиз тили факультетини битирган.

1972 йилда Лондон дорилфунунида халқаро ҳуқуқ бўлимини тамомлаган.

1963 йилдан 1976 йилга қадар Сурия давлат фуқаро авиацияси компаниясида раҳбарлик лавозимларида ишлаган.

1976—1980 йилларда — Сурия Араб Жумҳуриятининг Италиядаги элчиси.

1980 — 1984 йилларда — Ташқи ишлар давлат вазири.

1984 йил 11 март куни Сурия Араб жумҳуриятининг Ташқи ишлар вазири этиб тайинланган.

Бир қанча араб-ислом ва халқаро анжуманларида Сурия Араб Жумҳуриятидан вакил бўлиб қатнашмоқда.

Уйланган, икки фарзанди бор.

Озод Ўзбекистон Наврўзида

КЕЧА пойтахтимиздаги ўқитувчилар уйининг шинам ҳовлисида ер ўчоқ қазилди. Унга дошқозон осилди. Худди шу сония осмон оламида юлдузлар чарақлади. Ер ўчоқда эса олов гуриллаб ёна бошлади. Биридан-бири табаррук онахону опахонлар сумалак тайёрлашга енг шимариб киришдилар.

Шу куни республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида, хонадонларда гуриллаб олов ёниб турди.

Бир томонда сумалак, яна бир ёнда эса ҳалим пишмоқда.

Хонадонларда баҳор элчиси — кўм-кўк майсалардан тайёрланган чучвара, сомса ва бошқа тансиқ таомлар тайёрланмоқда.

Осмон оламидаги юлдузлар «Бу не сир» дея уялиб юзини яширгандек бўлади.

Ахир, бу қанақаси?!

Ё юлдузларнинг ўрни алмашиб қолдими?

Ёинки, бошқа бир осмон бўй кўрсатдими?

Йўқ, йўқ! Бу Наврўз шодиёнаси бошланганидан нишона.

Юлдузлар ҳам ўриклар қийғос гуллаганлигини кўриб турибди.



ЮЛДУЗЛАР-ДА УЯЛИБ ТУРУР

Қизалоқлар мажнунтол навдаларидан сочпопук тақишга тушдилар.

Сумалак пиширган хонадон эгалари қўни-қўшниларга, ифторлик учун насиба улаша бошладилар.

Одамлар дўстларининг уйларига меҳмонга отландилар. Шифохоналарда даволанаётган, меҳрга муҳтож ногиронларни кўриш учун чоғландилар.

Наврўз айёми кунлари кўча-кўйлар, ҳиёбонлар, майдонлар янада яшариб кетди. Ободонлаштириш ва кўкламзорлаштиришда иштирок этаётган кишилар ўз ҳиссасидан миннатдордирлар.

Худди шу кунлари мен ҳам ана шундай ишлардан четда қолмадим. Муҳандис дўстим Шерали Собиров терак кўчати ўтказиш ниятим борлигини сезиб:

— Бир оғиз Абдусамад аканинг олдидан ўтайлик, — деб қолди.

Катта Фарғона канали Шаҳрихон бўлими бошлиғи Абдусамад ака Ўришев билан Ёзёвон участкасида учрашдик.

— Кўчатми? Аввало, мевали кўчат ўтқазинг, — дея маслаҳат берди у. — Ҳадемай, сархил мева беради. Унинг мевасидан тотсангиз барча чарчоғингиз чиқиб кетади.

Ҳақ гап! Юрт кўрган одамларнинг йўл-йўриғи бошқача бўлар экан. Баҳор кезлари дўстлар ва мураббийларнинг маслаҳати билан мевали ва манзарали кўчатлар ўтқаздик.

Бу — жамоа хўжалигида бўй кўрсатган ва бу йил экилган кўчатларга бир «ирмоқ».

Бу — район, вилоятда ташкил этилаётган боғ-роғлар уммони олдида ҳеч гап эмас.

Қува райони «Бекат»идаги турфа мевалар бераётган дарахтларни кўрсангиз ҳайрон қолмай иложингиз йўқ. Дарвоқе, «Гулистон» жамоа хўжалигига моҳир ва тадбиркор деҳқон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Муса ака Шербўтаев бош-қош. Каркидон даштида 600 гектар, Акбаробод қумлигидаги 200 гектар боғ ва узумзор кимларнинг ҳавасини келтирмайди, дейсиз. Жамоа аъзолари бундай боғ-роғларни 1000—1200 гектарга етказишмоқчи.

Бугунги кунда ёғоч-тахта ғоят тақчил ва ҳар бир оила учун ҳаводек зарурлиги бежиз эмас. Буни «Гулистон»ликлар бир неча йил муқаддам тушуниб етган ва Акбаробод қумлигида 10 гектар майдонда теракзор ташкил қилган эдилар.

Эртани кўра олган раҳбарнинг, деҳқоннинг садағаси кетсанг арзийди. Ҳозир ана ўша айни етилган тераклар хўжалик аъзоларига бўлиб бериляпти. Улар янги иморатларини ана шу тахталардан битказишяпти. Шу билан бирга хўжалик раҳбарлари яна 15 гектар теракзор барпо этишяпти.

Мана энди дўппини олиб қўйиб, ўйлашнинг пайти келди. Биз қачонгача ўзга юртлардан «Ёғоч-тахта беришингизни сўраймиз», деб мўлтираб турамиз. Ахир «Ёрдам қўлини чўзармикин», дея қачонгача ўзимизни овутамиз.

Йўқ! Мустақил республикамизнинг эртасини ўзимиз ўйлашимиз керак. Наврўз байрамининг ҳар бир сонияси-дан, ҳар бир кунидан унумли фойдаланиш ўзимизгагина боғлиқ.

Нега республикамизнинг ҳар бир фуқароси эрта баҳорда икки-уч донадан мевали дарахт ўтқаза олмайди, Беш тупдан-чи? Ўн тупдан мевали ва манзарали дарахт ўтқазсак яқин йиллар ичида дастурхонимиз мева-чевага тўлиб кетиши аниқ.

Шу ўринда Оролбўйи, Сурхон-Шеробод, Қарши, Жиззах ва Мирзачўлнинг беполён ерларида мевали, манзарали дарахтлар ўтқазишнинг ташаббускори бўлиб чиқишнинг ўзи ҳимматга сазовор. Бугун ўтқазган дарахтимиз уч-тўрт, боринг 5—10 йил ичида сархил мева бериши ва ҳар бир иморатимизнинг устуни бўлишга яраши аниқ. Шундай қилсаккина, қила олсаккина юзимиз ёруғ, баҳорнинг ҳар бир куни бизлардан миннатдор бўлади.

НАВРЎЗ айёми ҳар биримизнинг байрам шодиёнасига чорлаяпти. Пойтахтимизнинг кўрки бўлмиш Алишер Навоий номли Ўзбекистон миллий боғи ва Халқлар дўстлиги майдонида, Алишер Навоий номли театр майдонида, Карл Маркс кўчасида, ҳар бир вилоят, шаҳар, район, давлат ва жамоа хўжаликларида, саноат корхоналари, олий ўқув юртлари, мактаблар, боғчалар ва ҳар бир хонадонда халқимизнинг сайили давом этади. Уларнинг ҳар бирида таниқли санъат усталари, бадиий ҳаваскорлик дасталари иштирок этадилар. Томошабинлар халқ урф-одатлари, удумларининг гувоҳи бўладилар, қадимий халқ ўйинлари ва беллашувларида қатнашадилар. Маданият саройлари ва уйларида, истироҳат боғларида, маҳалла ва турар-жой мавзеларида ўзбек миллий таомлари—сумалак, ҳалим, кўк сомса каби баҳор неъматлари тайёрланади. Томошабинлар китоблар, гуллар, ёдгорликлар ва ширинликлар харид қиладилар.

Наврўз мустақилликка эришган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган республикамиз ҳаётида илк бор зўр қувонч ва тантана билан қарши олиняпти. Дарвоқе, шоир айтганидек:

Бугун ер ўчоқда гуруллар гулхан,
Қалб ёғдуси-ла, қайнар сумалак.
Осмон узра эса юлдузлар шу он
Уяла-уяла бош эгар андак.
Наврўзи айёминг муборак бўлсин!
Мустақил йўлингдан айланай халқим!
Йўлларинг чароғон, нурларга тўлсин,
Бошинг омон бўлсин, айланай халқим!
Ўлкамизга хуш келибсан, Наврўзи олам!

Мирза КАРИМ.

ҲАШАР— ЭЛГА ЯРАШАР

14 МАРТДА ЎТКАЗИЛГАН УМУМХАЛҚ ШАНБАЛИГИ ЯКУНЛАРИ.

Қутлуғ баҳор айёми арафасида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Йўлдош Охунбобоев номидаги тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент шаҳар Октябрь районидаги «Янги шаҳар» маҳалласи, Чирчиқ шаҳар тикувчилик фабрикаси жамоалари улуғ айём — Наврўзга бағишлаб ҳашар ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси уларнинг бу ташаббусини маъқуллаб, махсус қарор қабул қилди. 14 март куни «Мустақиллик, тинчлик, меҳр-мурувват» шиори остида умумхалқ ҳашари ўтказилди.

Шанбалик куни эрта тонгданоқ катта-ю кичик ялпи сафарбарликка отланди. Мустақил республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганлиги меҳнат байрамига алоҳида руҳ бағишлади.

Ҳашарда республика бўйича 8 миллион 610 мингга яқин киши иштирок этди. Жумладан, саноат корхоналарида 740 минг 500 киши, пудрат қурилиш ташкилотларида 374 минг 600 киши, совхоз ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида 742 минг 400 киши меҳнат қилди.

Шу куни қарийб 242 миллион 679 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. 21 миллион 203 минг сўмга яқин пудрат ишлари бажарилди.

Умумхалқ ҳашарида жами 26 миллион 224 минг сўмга яқин пул ишлаб топилди. Шундан қарийб саккиз ярим миллиони меҳнат коллективлари ихтиёрида қолдирилди.

Бу йилги умумхалқ ҳашарининг меҳр-мурувват шиори остида ўтказилгани бежиз эмас. Ишлаб топилган пулнинг қарийб ярми «Наврўз» ҳайрия жамғармасига ўтказилди.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Туркия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Волкан Чотур жаноблари 20 март куни Тошкентга етиб келди.

Туркия Республикасининг Қирғизистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Метин Гокер жаноблари, Тожикистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Орхан Ердиванли жаноблари ҳам йўл-йўлакай у билан бирга Тошкентга келдилар.

Сирожиддин САЙЙИД.

НАЙСОН

Илдизларга шивирлаган сен эдинг,
Тупроқ кўпчиб, ғимирлаган сен эдинг.
Бир кечада ўзгарди руҳ ангори,
Дардим яшил, ҳасратларим зангори.

Ҳаётимдан ечдинг ғам печагин сен,
Адашгайдир ким айтур кечагимсан.
Баҳор, ҳарсанг тош остидан, уни суриб
Озодликка чиқиб олган чечагимсан.

Тўрт ой мендан қаролик устун бўлди,
Мен тўкилдим, дафтарларим тун бўлди.
На хушдурки, қайтадан насибамсан,
Равоч ҳидин келтирган насимимсан.

Барг ёзмоқчи бўлган, янглиғ томирлар
Жимирлар, тан оғочида жимирлар.

Сен гулборим, гулнорим, гуландомим,
Кечалари шитирлар қаламдоним.

Яшил ҳовуч бўлиб чиқди исмалоқ,
Қалдирғоч ҳам келди сал-пал эзмароқ.
Ҳар бир кўлка яқин қиру этакда
Қўзичоққа айланади эртага.

Сен тоғларим қайраган чақинимсан,
Дўмбираси гулдурак оқинимсан.
Айтишларинг бу оламга ёқади,
Еру осмон сел бўлади, оқади.

Куйга тўлиб кетди тошу деворлар,
Сўлғин-сўлғин соғаяди беморлар.
Фақат бир барг, чириган бир барг фақат
Айлар менга мунглуғгина насиҳат.

• КЎКЛАМ

АЗАЛИЙ

● Наврўз — янги кун, янги йилнинг бошланиши. Бу кунни Мовароуннаҳр аҳли ўзгача интиқлик билан кутган, ўзига хос одобга риоя этган. Шу боис Наврўз одобномасининг мазмуни чуқур, теран.

● Айёмнинг тансиқ нонлари.

Биз шу пайтгача одат қилиб олган байрам — янги йил билан қиёслайдиган бўлсак, унинг орасидаги тафовут янада яққолроқ намоён бўлади. «Қизил империя» даврида мазҳаби, дини, имони, дунёқараши, табиати ва урф-одатлари, удумларию, анъаналари, яшаш шароити, об-ҳавоси бутунлай бошқача бўлган хорижий халқнинг янги йилни кутиб олиш тарзи қанчалик ўзга, ёт бўлишига қарамай, бизга маданият тимсоли деб тиқиштирилган эди. Халқимизнинг талаб эҳтиёжларига, табиатимизнинг ўзига хослигига мосми ёки йўқлиги ҳақида ўйлаш одобсизлик саналди.

Дўппи, чопон кийишни эскилик, белбоғ боғлашни қолоқлик деб билган, ҳатто қабрларимизни ҳам байналмилаллаштиришни талаб қилиб чиққан қизил империячи, — манқуртларнинг юқоридан ва пастдан тўриб берган кўрсатмалари азалий одоб-ахлоқ билан йўғрилган шарқона маънавиятимизни четга суриб келди. Удумлар, одатлар, расм-русумлар, анъаналарга эскилик сарқити деб қараб, сал бўлмаса, маданий-тарихий меросимиздан ажралиб қолаёзгандик.

«Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига». Зеро, Янги йил билан Наврўзни қиёслашга ихтиёр сезасан киши. Насроний Янги йилда дарахт кесилади. Наврўзда аксинча ниҳол ўтқазилади. Биринчисида дастурхон кўрки «обизамзам» бўлса, иккинчисида баҳорий неъматлар, ширинликлар улашилади. Аввалгисида Қорбобо, Қорқиз, қаҳратон қишдан дарак берса, Наврўзда кўклам элчиси Баҳорой, маъмурчилик тимсоли бободеҳқон далага чорлайди.

Хуллас, Янги йил ҳаётимизга ҳам, шароитимизга ҳам, турмуш тарзимизга ҳам мос эмас. Шу боисдан Наврўзни янги йил ёки йилбоши сифатида қабул қилиб, уни анъанага айлантирмоғимиз шартдир.

Шарқ халқлари янги йилни — Наврўзнинг узоқ ва бой тарихга эгалиги, қадимий сўғдийларда Мовсард ойининг биринчи куни «Наврўз» дейилгани, зардуштийлар давридаги тушунчаларга кўра яхшилик худоси Акурамза (хурмуз) — баҳор ва ёзда, ёмонлик худоси Анхара — майню (Ахриман)— кузда ва қишда ҳукмдорлик қилиши, баҳорнинг биринчи кунини яхшилик худосининг ёмонлик худоси устидан ғолиб чиққан муқаддас сана, деб уни байрам-сайил қилишгани, яъни «Наврўз» куни деб эълон қилингани, у мелоддан аввалги зардуштийлик тақвимида февраль ойининг биринчи куни «Кичик Наврўз» ёҳуд «Оммавий Наврўз», олтинчи куни эса «Катта Наврўз», ёки «Махсус Наврўз» тарзида уюштирилгани, кўпинча улар бирлаштирилиб байрам-сайиллар деб эълон қилингани, «Наврўз» деб номланишининг тарихи 26—27 асрларга тенг эканлиги, ҳақида кўп ёзилди.

Шарқнинг буюк алломаларидан Абу Райҳон Беруний («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»), Фирдавсий («Шоҳнома»), Умар Ҳайём («Наврўзнома»), шунингдек, Маҳмуд Қошғарий, Бедил, Алишер Навоий, Муқимий, Ҳамза каби шоирларнинг Наврўз ҳақидаги шеърлари ҳам эътибордан четда қолмади. Муштарийлар Берунийнинг «Қуёш ва ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, «Наврўз» ва «Меҳржон» замонининг икки кўзидир», «Наврўз» — оламнинг бошланиши, Фирдавсийнинг «Наврўз — байрамлар шоҳи», Навоийнинг «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз» каби пурмаъно сатрларидан ҳам хабардордирлар.

Шунга қарамай, Наврўз одатлари, одоби ҳақида ҳам ёзилди, дея оламиз. Дарҳақиқат, Наврўз — янги йил ва у билан боғлиқ байрам-сайиллар, удумлар, одатлар, расм-русумлар, анъаналар, улар таркибига сингдирилган одобнома, унинг ҳаётбахш қирралари, тарбиявий аҳамияти борасида кўп ва хўб фикр-мулоҳазалар айтиш мумкин.

● Наврўз — янги йил одатномаси ва ундаги одобнома ҳақида сўз борар экан, унинг қирраларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Бевосита инсон билан боғлиқ одоб, ахлоққа оид.

2. Табиат, атроф-муҳит билан боғлиқ.

3. Ҳайвонот дунёси, парранда-дарранда-ларга оид.

4. Оилавий-маиший, меҳмоннома билан боғлиқ.

5. Меҳнат, ижтимоий, маърифий ғўзаллик.

Наврўз — янги йилга тайёргарлик кўриш, кутиб олиш ва давом эттириш билан боғлиқ удумлар, расм-русумлар, урф-одатлар, анъаналар ниҳоятда кўп бўлиб, улар асосида ҳаёт, меҳнат, одамийликни улуғлаш, табиат ва ҳайвонот дунёсини эъзозлаш, гиёҳлардан тортиб парранда даррандаларгача, дов-дарахтдан қурт-қумурсқагача асраш, инсоний қадриятларни улуғлаш, аҳиллик, дўст биродарликни пайвандлаш, ўзлигини англаш ва англатиш, спорт ва жисмоний етукликни намойиш қилиш, касб-ҳунар, истеъдод, қобилият қирраларини кўз-кўз этиш каби умумбашарий, олийжаноб мантиқ ва маъноларнинг жамулжамидир.

● Наврўз шодиёнаси.

● Сумалак пишди...

БИР ПИЁЛА ЧОЙ БАҲОНА

Арнасой районида Наврўзга атаб ўтказилган адабий кечага қаҳрамон оналар, фаол хотин-қизлар, ишлаб чиқариш илғорлари таклиф этилди.

«Бир пиёла чой устида» деб номланган учрашувда бадиий ҳаваскорлар, ёш ижодкорлар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Кеча иштирокчилари район хотин-қизлари билан ишлаш, уларнинг меҳнат ва яшаш тарзларини янада яхшилаш муаммолари хусусида баҳс қилдилар. Район ҳокими муовинлари Қиличбек Сулаймонов билан Шаҳри Бердиевалар бу борада яқин келажакда амалга ошириладиган тадбирлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Район маданият уйи қошида ташкил этилган «Олтин водий» халқ дастаси аъзоларининг куй-қўшиқлари, рақслари кеча иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҚ ЎТОВЛАРИДА

Қутлуғ Наврўз айёмига атаб Қорақалпоғистон диёрида ўрнатилган юзлаб ўтовлар бу айёмнинг катта шодиёна билан ўтишидан дарак бермоқда. Бу ўтовлар халқнинг миллий рамзи ва ифтихори. Қадимий халқ бу гўшаларда минг йиллардан буён ўзининг тўйларини, қувноқ гурунгларини ўтказиб келган. Унда Бердақ сингари севимли фарзандлар дунёга келган, ўнлаб достонлар яратилган. Бугунги кунда эса у Наврўзнинг сайилгоҳ кошоналарига ҳам айланди. Байрам куни унда дастурхонлар ёзилади, нуроний кексалар ҳурмати бажо келтирилади, баҳорнинг тансиқ таомлари тортилади.

Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Бибиойим Юсупова бу диёрда ўтказиладиган Наврўз байрами муносабати билан бундай деди:

— Биз бу байрамни ғоятда ардоқли нишонлашга ҳар томонлама ихлос билан тайёргарлик кўрдик. Қорақалпоғистон Олий Кенгаши ва Халқ демократик партияси Кенгашлари ёрдамида жуда кўп ишлар амалга оширилди. Чунончи Наврўзга аталган умумхалқ ҳашарида талай ишлар бажарилди. Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Амударё, Хўжайли, Қўнғирот, Чимбой, Шуманай, Ленинобод, Мўйноқ, Нукус, Кегайли, Қораўзак, Тахиатош, Тахтакўпир, Бўзатов район ва шаҳарлари аҳолиси бу байрамга астойдил бел боғлаб тайёргарлик кўрдилар. Республика бўйича бу ҳашарда 680 мингдан зиёд киши қатнашди. 430 минг сўм пул хайрия жамғармасига ўтказилди.

Бугун Қорақалпоғистон диёри узра нишонланадиган миллий Наврўз байрами Ўзбекистоннинг чинакам мустақилликка қадам қўйган дастлабки йилида нишонланадиган энг севимли ва муборак байрамдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқаронинг кўнгли тоғдек кўтарилган, ва қалби қувончларга тўлган.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Гул узра кўкламнинг шабнами яхши,
Чаманда юз очган ҳамдами яхши
Яхшимас кечаги кундан сўз очмоқ,
Қувнаб қол, бу кунинг ҳар дами яхши.
Умар ҲАЙЁМ.

Наврўз — байрамлар шоҳи.
ФИРДАВСИЙ.

●

Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз.
НАВОИЙ.

Юзи наврўзи васли йдини Бобур ғанимат тут,
Ки мундин яхши бўлмас бўлса юз Наврўз байрамлар.
БОБУР.

Наврўз ҳам келди, қутлаб

Баҳор ўз сепини ёйди. Юртимизда Наврўз шодиёналари давом этмоқда. Хонадонларда, ҳиёбонларда сумалаклар, ҳалимлар, баҳор элчилари—кўк майсалардан тайёрланган анвойи таомлар тайёрланмоқда. Наврўз байрамини Бўз райони меҳнаткашлари қандай кутиб олишяпти. Мухбиримиз бу ҳақда ХДП Бўз район кенгаши масъул ходими Матлубахон ТЎЙЧИЕВАга бир неча савол билан мурожаат этди.

— Наврўзолди тадбирлари меҳнаткашларда катта таассурот қолдирди. Миллий байрамга бағишланган ҳайрия шанбалигида кўплаб халқ иштирок этди. Унинг натижалари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бу йилги Наврўз ғоят шодиёналарга бой. Республикамиз мустақилликни қўлга киритди. Биз илк бор мустақиллик йилидаги Наврўзни нишонлаяпмиз. Шунинг учун ҳам байрамнинг ана шу шодиёнага мос бўлишини истаяпмиз. Бу ишда район ҳокимияти, ХДП район кенгаши фаоллари бош-қош бўлдилар.

Биз Наврўз байрамини субҳидамдан бошламоқчимиз. Худди шу сонияда район кўчаларида безатилган файтунларнинг пайдо бўлиши кўпчиликни қизиқтириши табиий. Уларни миллий либосдаги уч отлиқ бошқариб боради. Халқимизнинг миллий қаҳрамони Насриддин талқинидаги жарчи одамларни «Наврўз» байрами сари етаклайди. Карнай-сурнайчилар эса меҳнат аҳлини район маданият уйи, меҳр-шафқат ҳиёбони томон таклиф этадилар.

Иккинчи файтунда эса оппоқ ҳарир либосли, баҳор гулларини гулчамбар қилган, қўлларида кўм-кўк майса тутган Баҳорой, Момоёр, Бободеҳқон жой оладилар. Сўнгги файтунда эса йилнинг ўн бир ойини ифодаловчи атлас кўйлакли қизлар ўрин оладилар.

— Демак, бу йилги Наврўз ўзига хослиги билан ажралиб турар экан-да?

— Худди шундай. Биз бу галги миллий байрамимизда халқ қаҳрамонлари Широқ ва Тўмарис, Гўрўғли ва Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди ва Муқанна, Навоий ва Бобур, Акмал Икромов ва Файзулла Ҳўжаев, Абдулла Қодирий ва Чўлпонларни ёд олмай иложимиз йўқ. Бу улуғ зотлар миллий мустақиллик учун астойдил курашдилар. Аммо уларнинг кўплари ўз даврида эзгу ниятларига етолмадилар. Ниҳоят республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг саъйи-ҳаракати туфайли ёруғ кунларга — мустақиллик кунларига етиб келдик.

Яна шуни ғурур билан айтишимиз керакки, республикамиз бу йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Бу мўътабар бино пештоқида жаҳон мамлакатларининг байроқлари ёнида бизларнинг байроғимиз ҳам ҳилпираб турибди. Демак, Наврўзимизнинг янада шодиёнали ўтиши табиийдир.

Наврўз кунлари район меҳнат аҳлига катта концерт дастури тайёрланган. Жумладан, кураш мусобақалари, спорт ўйинлари, дорбозларнинг чиқишлари, пазандалар, «Балли қизлар» баҳслари давом этади. «Иқбол» баҳсининг ғолиблари марказий касалхона ходимаси Фаридахон Жалилова, ноҳия матлубот жамияти тикувчилик цехи иштирокчиси Маликахон Азимова, 1-мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси Дилфузахон Отақулова ва бошқаларнинг қўшиқ, куй ва рақслари байрам иштирокчиларининг қувончига-қувонч қўшади.

Биз мушоираларга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Жумладан, ёш ижодкорларнинг чиқишлари, хушовоз хоннанда Адҳамжон Сотволдиевнинг қўшиқлари маънавий завқ бағишлайди. Келгуси йили нишонланадиган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллигига бағишлаб ноҳиядаги Саида Зуннунова номли педагогика билим юрти ва тиббиёт билим юрти қизлари иштирокида шоир ғазалларидан тузилган мушоира авж олади.

Наврўз таомлари кўриги ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотиши турган гап. Шу билан бирга райондаги шифохоналарда даволанаётган беморларнинг, меҳр-шафқатга муҳтож кишиларнинг ҳолидан хабар олмоқчимиз. Шу куни ифторлик ўтказиш ҳам режалаштирилган. Унда ёшларнинг қувноқ қўшиқ, жозибали куй ва рақслари давом этади.

УЧ ОТЛИҚ ЧОРЛОВИ

БОҒЛАРИМИЗ БОЙЛИГИ

Фарғона вилоят меҳнат аҳли бу йилги Наврўзни кўтаринки руҳда кутиб олаётир. Наврўз шодиёналари, Хотира куни, Рамазон ҳайити олдидан ободончилик ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги давом этяпти. Фарғона районидаги Ильич номли жамоа хўжалиги Хонқиз даштларида 200 гектар тошлоқ ерда боғ-токзорлар яратди. Охунбобоев районидаги А. Алигавҳаров номли жамоа хўжалиги 250 гектар майдонда боғ барпо этди. Яна 150 гектар боғ-токзор яратиш режалаштирилган. Олтиариқ районидаги «Пахтаобод», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида ҳам 200—250 гектар ўрикзор, шафтолизор, бодомзорлар ташкил этилди.

Ўзбекистон районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги аъзолари Қўқон аэропорти ҳудудидаги тошлоқ ерларнинг 250 гектарини боғ-токзорларга айлантирдилар. Бу ерда яна 250 гектар токзор, бодомзор ва ўрикзор яратишга киришилди.

Наврўз байрами кунларида Марғилон, Олтиариқ юмшоқ бодоми, Риштон қантак ўриги, Бувайда анжири, Сўх ёнғоғи, Миндон субҳони, исфарок ўриклари экиляпти. Кўпчилик район ва хўжаликларда ҳам Наврўз боғлари ташкил этиляпти. Боғларга узоқ яшовчи ёнғоқ, балҳ тути, ўрик ниҳоллари ўтқазиляпти. Шунингдек, шаҳар ва қишлоқ кўчалари, йўл бўйлари, ариқ ёқаларини ёнғоқ, ўрик, гилос, олма, нок, беҳи, жийда ниҳоллари безаб турибди.

Бу мустақил республикамизда илк нишонланаётган Наврўз байрамининг ҳам ҳосияти деса бўлади.

М. ҚУРБОНОВ.

ОДОБНОМАСИ

РАСМ-РУСУМЛАР

Наврўзни қаршилашга тайёргарликнинг ўзи одатнома ва одобноманинг бебаҳо, бетакрор қирраларининг йиғиндисидан иборат. Бу улуғ айёмга атаб бобо деҳқонлар ерларини маромига келтириш, ариқзовурларни тозалаш, қўш-анжомларни тартибга солиш, уруғларни саралаш, кўзланган жойларни уруғ қадашга мослаш ва бошқа тараддудларини кўрсалар, боғбонлар токларни очиш, анжир, анор ва бошқа меваларнинг кўчатларини тартибга келтириш, янги ниҳолларни экишга тайёрлаш, дов-дарахтларни буташ, пайвандлаш каби юмушларни режалаштирганлар. Қисқаси, турли касб-ҳунар кишилари, чунончи, пазандалар баҳор элчилари — анвойи кўкатлардан таомлар (кўксомса, кўк чучвара, кўк манти, кўк ош, кўк қатлама, кўк қовурма, кўк чабати, кўк шўрва, кўк патир, кўк палов, кўкат суви ва бошқалар), қандолатчилар ,печаққанд, халва, пашмак, новвот, хўрозқанд, бурама қанд, кулча қанд, олма қанд, чайнамай шиминг, парварда, кунжут ҳалва, ёнғоқ ва ер ёнғоқли ҳалва), каштачи-ю чеварлар (баҳор кашталари, палак-чойшаблари, наврўз дўппилари, кўйлак-либослари, тўнлари, камзуллари), шунингдек этикдўз, маҳсидўз, темирчи, абзалчи, тошташ, наққош, меъмор, пахсакаш, дурадгор, тегирмончи, жувозкаш, каштачи, шойи, алан, бўз ҳамда гилам, шолча, тўқувчи каби касб-ҳунар кишилари ҳам Наврўзга ҳозирлик кўргандар. Санъаткорларни айтмайсизми? Бастакорлар янги қўшиқ-рақсларни, шоирлар Наврўз шеър-ғазалларини, қарнайчи-сурнайчи, ноғорачи, қисқаси мусиқачи ижрочилар, бадеҳагўй-ижодкорлар ҳам ана шу улуғ айёмни астойдил, шукрона кутиб олишга интилганлар.

... Сочлари толим-толим.

Наврўзни кутишнинг ўзи серқирра ва мазмунли. Эрта саҳардан дошқозонларга сумалаклар, ҳалимларнинг солиниши, қозон-ўчоқларда кўкатлардан тайёрланган овқатларнинг қайнаши, тандирларда кўксомса-ю кўк патирларнинг тобига келиши, қисқаси Наврўз — янги йил дастурхони тузатилишининг ўзи мўл-кўлчилик рамзи бўлган.

Наврўз киришида нима қилинса, одамлар ўзини қандай тутса, дастурхонида нима бўлса, қозонида нима қайнаса, нималар тўҳфа қилинса улар йилга татийди, деган ақида бор. Тарихий манбалардан маълумки, Наврўз тонгида кишилар гап-сўз қотишдан аввал уч қошиқ асал ё шинни ялаб, уч бўлак хушбўй мум тутса, бу кўп касалликларга шифо бўлади, деб билинган. Унинг олтинчи куни, яъни юқорида айтганимиз «Катта Наврўз» куни тонг отиши билан сўзлашишдан аввал шакар ё мураббодан тотиб, сўнг зайтун ёғидан суртган кишига йил бўйи бало-қазо йўлиқмасмиш. Наврўз — мўлкўлчилик, маъмурчилик, тўқлик, фаровонлик, ободончилик, тинч-осойишталик, бахт-саодатлик йили бўлсин, деган инсоний, умумбашарий ғоя ётади! Умар Ҳайём ўзининг «Наврўзнома» асарида, «Ҳар киши Наврўзни байрам қилиб, шоду ҳуррамлик этса, келаси йил — Наврўзига қадар унинг умри хурсандчилик ва шодлик билан ўтиши муқаррар», дейишида ҳам чуқур маъно бор.



Данагидан мағизи ширин...

Наврўзнома — одобномаси ёш авлоднинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний уйғун бўлишида халқ ўйинлари, рақсларининг аҳамияти катта. Қадимда ёш авлоднинг жисмоний бақувват, эпчил, чаққон, жасур, қўрқмас, довюрак ва матонатли бўлиши йўлида қизиқарли ўйинлар кашф этилган. Хусусан, сайил-томошаларда икки дара оралиғига қиларқон тортиб осилиб ўтиш, қояга арқон ташлаб чиқиш ва тушиш, томдан-томга сакраш, совун суртилган ходага чиқиб, туҳфани олиш, отда ва пиёда улоқ, «подшо-вазир», ер олиш, деҳқон-деҳқон, товон тепар, кураш, арқон тортиш, қўлда куч синаш, тўнка ёриш, тош кўтариш, калла уриштириш, зув-зув, ҳалфана, чиллак ўйнаш, овуш-овуш (хоккейнинг бир тури), чавгон, эшакқулоқ, эшакминди, эшак улоқ, эшак чопди ва ҳоказолар.

Шунингдек, миллий рақслар — йигитлар ўйини, бешқарсак, чўпон ўйини, елка уриштириш, ноғора ўйинлари, лаган ўйини... Бундай ўйин-рақслар ёшлар тарбиясида муҳим ҳисобланган. Бундан ташқари адабиёт, санъат, мусиқа-куй билан боғлиқ. «Қиссахонлик», «Қироатхонлик», «Гўрўғлихонлик», «Баҳру байт», дарвешоналик, «Навоийхонлик», «Яссавийхонлик», «Гап-гаштак», «Воизлик», «Маддоҳлик» каби анъаналар ҳам расм бўлган.

Шундай қилиб, «Наврўз» бетакрор ва пурмаъно, олижаноб ва ибратли қадриятларга, одобномасига бой маърака бўлиб келган. Мустақил жумҳуриятимизда ўзининг юксак ғоялар билан суғорилган ҳам шаклан, ҳам мазмунан миллий анъаналари бор. Шунинг учун ҳам Наврўзни ҳар қанча ардоқласак арзийди.

Табиат қонуниятлари, яъни Қуёшнинг ҳамал буржига кириши, тун билан кунинг вақт жиҳатидан тенглашиши, борлиқнинг жонланиши, орзиқиб кутилган баҳор нафаси билан боғлиқ Янги йилингиз, улуғ ва табаррук айёмингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар.

• ҲАР ГЎШАДА ТАРОНА

ҚУШЛАР ПАРВОЗИ ЎЗГАЧА

Она заминни ийлаган халқим,
Танбур, рубобни шайлаган халқим,
Меҳнат нашъасин куйлаган халқим,
Қувнанг — Наврўзу дилафрўз бугун.
Нажот баҳори жамол очди-ей,
Жийда, атиргул хушбўй сочди-ей,
Исрикдан дард йироқ қочди-ей,
Ўйнанг — Наврўзу дилафрўз бугун.
Саодат тонги шўҳшан боқди-ей,
Қирлар лоладан гулхан ёқди-ей,
Бодом, зардоли маржон тақди-ей.
Ўйнанг — Наврўзу дилафрўз бугун.
Ораста қизлар ёздилар палак,
Ҳарир палаги етти ранг малак.
Кайвони момом сузар сумалак,
Куйланг — Наврўзу дилафрўз бугун.
Қушлар парвози ўзгача бугун,
Булбулнинг рози ўзгача бугун,
Қизларнинг нози ўзгача бугун,
Куйланг — Наврўзи дилафрўз бугун.
Она заминни ийлаган халқим,
Танбур, рубобни шайлаган халқим,
Меҳнат нашъасин куйлаган халқим,
Қувнанг — Наврўзу дилафрўз бугун.

Болтажон СОДИҚОВ.
Сурхондарё.

ЕР БЕТИДАН КЎТАРИЛАР ҲОВУРЛАР

Хайр энди, оппоқ қорлар, оқ қорлар,
Кўзлардаги қотган намхуш тумалар.
Сиздан оқлик дарахтларга оқарлар,
Чекининг эй, дилда сархуш гумонлар.
Наврўз бўйи анқир қиру даштимда,
Ер бетидан кўтарилар ҳовурлар.
Тоғ гулхани ёнар гуллар рашкидан,
Юрагимда сўнмас бир ўт ловуллар.
Бу бир ўтки, чаманлар бор аксида,
Булоқларнинг шилдираши қандай соз.
Жўшқинлик бор япроқларнинг рақсида
Қушлар куйи булоқларга жўровоз.
Хайр энди, оппоқ қорлар, оқ қорлар,
Бўғотларда қотган шиша сумалак.
Яшил олам кел, деб бағрига чорлар,
Етти рангда жилваланар камалак.
Ассалом, эй, бинафша ранг чечаклар,
Эриб битсин қорлар каби ғам-алам.
Тўлиб кетсин гул-лолага қучоқлар,
Ассалом, эй, гўзал Наврўзи олам!

Мели БОБОҚУЛОВ,
Самарқанд.

ТЎКИНЛИК— ТЕГИРМОНДА

Булунғур районидаги Навоий номли давлат хўжалигида халқ талабини ҳисобга олиб, эски автогараж бинаси ўрнида электр тегирмони қурилди.

Дўконларда ун маҳсулотлари тақчил бўлиб турган ҳозирги шароитда бундай тегирмоннинг ишга туширилиши қишлоқ меҳнаткашлари учун қўл келмоқда. Деҳқонларнинг заҳирадаги дон маҳсулотлари тегирмонда сифатли ун ва чорва учун емга айлантириляпти.

Бу ишни тегирмончи Аҳмад Умматов сидқидилдан бажармоқда. Ҳозир қўшни Беруний номли давлат хўжалиги аъзолари ҳам ушбу тегирмон хизматидан фойдаланишяпти.

Ҳ. ВОҲИДОВ,
Самарқанд вилояти.

Шодиёна завқи.

• АЙЁМ СОВҒАЛАРИ

«МОСКВИЧ» ВА ТЕЛЕВИЗОР

Айём кунлари ҳайрия қилиш, совға улашиш одамлар кўнглини олиш азалий удумлардан саналади. Байрам арафасида Тошкентда Наврўзга хос савобли тадбирлар уюштирилди. Улардан бири 17-кўп тармоқлик клиник шифохонасида бўлиб ўтди. Бу ерга шаҳар соғлиқни сақлаш муассасалари ва шифохоналарининг вакиллари тўпланишди.

— Хайрли тадбирни бу ерда ўтказишимизнинг боиси бор, — дейди Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг муовини, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Ризаев. — Биз йиғилиб турган бу саломатлик маскани шаҳар бўйича ўзининг ибратли ишлари билан ўрнак кўрсатиб келмоқда. Бешта кафедрада етук мутахассислар, тажрибали шифокорлар беморларга мадад кўрсатиш, ташхис қўйиш ва даволаш бобида кўпнинг раҳматини олишмоқда. Таъмирлаш ва ободончилик ишлари ўрнига қўйилганини кўриб турибмиз. Шифохона жамоаси Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик Наврўзини муносиб нишонлашга пухта ҳозирлик кўриб қўйган. Бугун шифокору беморлар баҳор байрамини қутлайдилар. Биз ҳам уларнинг қувончига-қувонч қўшиш ниятидамиз. Шаҳар қизил Ярим ой жамияти билан ҳамкорликда шифохона жамоасига «Москвич» енгил автомашинасини совға этамиз. Байрамингиз муборак, саломатлиқни мустаҳкамлаш йўлида сизга омад ёр бўлсин.

Ўзига хос шодиёнага айланган бу йиғинда шаҳардаги яна еттита тиббий муассасага рангли телевизорлар Наврўз инъоми тариқасида берилгани эълон қилинди. Совға олганлар орасида Собир Раҳимов районидаги болалар шифохонаси, Октябрь районидаги «Ўзбекистон» XV йиллиги» шифохонаси, Сергели районидаги тери касалликлари диспансери каби саломатлик масканлари бор.

Совғаларни улашиш маросимида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, шаҳар Қизил Ярим ой жамияти раиси У. Муҳамедова ва жамоат идораларининг вакиллари иштирок этишди.

М. АНВАРОВ.

ДЎСТЛИК САФАРИ

Наврўз арафасида ҳамкасблар билан учрашиш, суҳбатлашиш нақадар завқли. Айниқса, қон-қардошлар билан бир пиёла чой баҳона гурунглашиш ундан ҳам афзал.

Ўрта Чирчиқ районидаги Шароф Рашидов номли 24-ўрта мактаб вакиллари баҳор, эзгулик байрами баҳонаси билан Хўжанд шаҳридаги Абдураҳмон Жомийнинг табаррук номи билан аталган 25-ўрта мактабда меҳмон бўлдилар. Негаки, мазкур икки мактабнинг аҳил жамоалари ўзаро дўстлик, ҳамкорлик шартномасини имзолашган.

Учрашув шу воқеага бағишланди. Шодиёнада миллий қўшиқ ва рақсларга карнай-сурнай наволари жўр бўлди. Муаллимлар ўз ҳамкасблари, ўқувчилар ўз тенгқурлари билан чин қалбдан суҳбатлашдилар. Сафаримизнинг иккинчи кунида қадимий шаҳарни айландик, обидаларни кўздан кечирдик. Айниқса, шайх Муслиҳиддин мақбарасини зиёрат қилиш барчамизда катта таассурот қолдирди.

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, машҳур пахтакор Саидҳўжа Ўринҳўжаев номли давлат хўжалигининг маданият-музейидаги учрашув мароқли бўлди. Ўзбек ва тожик халқларининг азалий дўстлик ришталари умрибоқийлиги алоҳида тилга олинди. Тожикистон телевидениеси учрашув қатнашчиларини шу ерда «Маориф» дастурига суратга олди.

Бизнинг бу дўстлик манзилларимиз шу билан чегараланмайди. Вилоятимиздаги қозоқ, тожик ва бошқа миллат фарзандлари таҳсил олаётган билим масканларида ҳам шундай учрашувларни ўтказиш анъанага айланган.

Дадажон ҲОЖИБЕКОВ,
Ўрта Чирчиқ район «Байналмилал» марказ ҳокими.

БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ

Қутлуғ кунда ҳаста ёки ногирон кишиларга бир оғиз сўз айтиб, унинг қалбини чароғон этиш ҳар бир инсоннинг шарафли бурчидир. Республикамизда ҳозирги пайтда ярим миллиондан зиёд ногирон кишилар борки, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш давр тақозоси бўлиб қолди. Эртага Наврўз айёмида бундай муштипар кишиларнинг ҳар бири меҳр-шафқат ва мурувватдан баҳраманд бўладилар. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар жамияти қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Наврўз куни Тошкентнинг Ғафур Ғулом кўчасида жойлашган кўзи ожизлар маданият саройида ногиронларга атаб катта сайл ўтказилади. Оппоқ дастурхонлар ёзилади, нозне ъматлар тортилади. Дошқозонда палов дамланади. Бундан ташқари турли спорт мусобақалари ва концертлар бўлиб ўтади. Аравачада юрадиган ҳаста кишилар учун махсус таксилар ажратилган.

Республика ногиронлар жамияти бошқаруви раиси Содиқ Убайдуллаев амалга оширилаётган бошқа ишлар ҳақида ҳам гапириб берди:

— Жамиятимизнинг 140 дан ортиқ аъзоси бор. Парвариш ва даволашга муҳтож кишилар учун 14 минг сўм пул тарқатилмоқда. 200 оила учун корхонамизда тайёрланган кийим-кечаклар совға қилинади. Буни пулга чақиб ҳисобласак, 40—45 минг сўм бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Наврўзга атаб ўтказаётган марафонидан йиғиладиган маблағдан 25 ногирон кишининг хонадонига телефонларни бепул ўрнатиб беришга қарор қилганмиз. Бу ишга республика Алоқа вазирлиги ҳам яқиндан ёрдам беряпти. Шунингдек, ногиронлар мактаб-интернатларида тарбияланаётган ўқувчиларга ҳам муносиб совғалар тортиқ этилади.

А. ПУЛАТОВ.

Қуёш ва ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек,
Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир.
Наврўз — оламнинг бошланиши.

БЕРУНИЙ.

Эса келди Шарқдан баҳорнинг ели,
Оламга осилди гўзаллик йўли.
Бўз ер ипорланди қору-муз кетиб,
Безанади олам чирой кўрсатиб.

Юсуф ХОС ҲОЖИБ.

Ёлгиз бир учиб... Бир сўниш бордир!
Бир ўчиб, сўниб... Яна ёниш бор,
Яна баҳорлар, яна лолалар,
Яна сиз, эй, эркин далалар!...

ЧУЛПОН.

ТОШКЕНТ ОВОЗИНИ ЖАҲОН ТИНГЛАЙДИ

Ҳа, шундай. Республикамиз пойтахтидан хорижий мамлакатларга берилаётган эшиттиришларни қарийб бутун дунё тингламоқда. Айниқса, инглиз, араб, ҳинд, урду, дари, пушту, форс, уйғур, ўзбек тилларидаги эшиттиришлар қаторига туркча эшиттиришлар ҳам қўшилди. Айни кунларда мустақил Ўзбекистон пойтахти — Тошкентдан хорижга ҳар куни 14 соат давомида ўн тилда эшиттиришлар олиб бориляпти.

Ўзбекистон давлат телерадио компанияси қошидаги хорижий мамлакатларга эшиттиришлар шўъбаси республика Алоқа вазирлиги билан ҳамкорликда Наврўз арафасида ғоятда хайрли ишни амалга оширди. Бу билан туркиялик биродарларимизга ҳам Тошкент овозини етказиш насиб бўлмоқда.

Ўтган йилнинг декабрида республикамиз Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация Туркияда бир неча кун меҳмон бўлган эди. Иккала давлат раҳбарлари ўртасида олиб борилган дўстона музокаралар чоғида турли соҳада, айниқса алоқа воситаларини ривожлантириш, радио ва телевизион эшиттиришларни айирбошлаш ҳақида ҳам қатъий фикрлашиб олинди. Шу тариқа Тошкент радиоси орқали туркча эшиттиришлар ҳам амалга ошириладиган бўлди. Бунинг учун Ўзбекистон радиосининг Туркияга эшиттиришлар махсус бўлими таъсис этилди. Унга таниқли журналист ва шоир Файзи Шоҳ Исмоил бошчилик қилмоқда. Наврўз байрами арафасида мухбиримиз у киши билан ана шулар тўғрисида суҳбатлашди.

— Эзгулик йўлида қўйган ҳар бир дастлабки қадам осонликча бўлмайди, — дейди Файзи Шоҳ Исмоил. — Туркча эшиттиришларни йўлга қўйишда ҳам изландик. Маълумки, Туркияда кўпроқ бизнинг ватандошларимиз истиқомат қиладилар. Шу жиҳатдан ҳам эшиттиришларимиз икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак. Туркиялик биродарларимиз радио тўлқинлари орқали Ўзбекистон нафасини, мустақиллик одимларини ёрқинроқ ҳис этиб туришларига катта имконият туғилди, десак янглишмаймиз.

— Наврўзга ҳам бағишлаб махсус эшиттиришлар тайёрлашга улгурилдими?

— Бу борадаги эшиттиришларимиз кечадан бошланди. Бунда мустақилликка эришган жумҳуриятимиз ҳудудида рўй бераётган янгиликлар билан танишиш билан бир қаторда қардошларимиз машҳур шоирларимиз ва ёзувчиларимиз сўзларини ҳам тинглаш бахтига муяссар бўладилар. Чунончи, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари ҳассос шоирларнинг янги шеърлари туркиялик биродарларимизга армуғон этилади. Бундан ташқари ўлкамизда ўтказилаётган Наврўз тантаналарини ҳам эфир орқали иложи борича кенгроқ тараннум этиш ниятидамиз.

— Эшиттиришларингиз вақтини айтиб берсангиз.

— Марҳамат. Тошкент радиосининг турк тилидаги эшиттиришлари ҳар куни эрталаб соат 9 да (Анқара вақти билан 6), кечқурун соат 10 да (Анқара вақти билан 7 да) эфирга чиқади. Эшиттиришларимизни 19 ва 31 метр атрофидаги қисқа тўлқинларда тинглашингиз мумкин. Турк биродарларимиз билан эфир орқали учрашувларимизни кейинчалик янада кенгайтириш ниятидамиз. Бу йўлда радио журналистларимиз жиддий изланмоқдалар.

— Хайрли ишларингизда сизларга омад ёр бўлсин.

Ҳ. СУЛТОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НАВРУЗ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Мустақил Ўзбекистонимиз бўйлаб умумхалқ байрами — Наврўзни нишонлаш кенг тус олмоқда. Кеча Тошкент районининг маркази — Келесда шу байрамга бағишланган катта тантаналар бўлиб ўтди. Сиз кўриб турган суратларда байрамни нишонлаш пайтидаги айрим лавҳалар акс эттирилган.

• Билиб қўйган яхши •

МАЪЛУМКИ, Наврўз қадимги санаи шамсия—қуёш ҳисоби билан олинадиган йилнинг ҳамал ойидан бошланади. Ҳозир Афғонистон, Эрон, Араб давлатларида деҳқончилик, молия ишларида буюк математик олим, шоир Умар Ҳайём тузган шу санаи шамсиядан, диния ишларида эса санаи қамария, яъни ой ҳисоби билан олинадиган йилдан фойдаланилади.

Кейинги йиллар бизнинг матбуотимиз, тақвимларимизда шу санаи шамсия кунларини Григорий тақвими кунларига чоғиштиришда анча-мунча тафовутларга йўл қўйилаётганлиги сабабидан биз Афғонистоннинг амалдаги санаи шамсияси ойларининг 1-куни мавжуд тақвимнинг қайси кунларига тўғри келишини кўчириб келтирамиз:

АЙЁМ ТАҚВИМИ

Санаи шамсия	неча кун!	1-куни
1. Ҳамал—қўзи	31	21 март
2. Савр—буқа	31	21 апрель
3. Жовза—эгиз	32	23 май
4. Саратон—қисқичбақа	31	23 июнь
5. Асад—арслон	31	24 июль
6. Сунбула—бошоқ	31	24 август
7. Мизон—тарози	30	24 сентябрь
8. Ақраб—чаён	30	24 октябрь
9. Қавс—камон	29	24 ноябрь
10. Жадй—тақа	29	23 декабрь
11. Давл—қовға	30	21 январь
12. Ҳут—балиқ	30	20 февраль

ЯНГИ йил — Наврўз 21 март Тошкент вақти билан соат 8 дан 30 минут ўтганида киради. Аслида ҳар йили бир неча минут нари-бери ўзгарсада, биз уни яхлитлаб 8.30 деб олдик. Шу дақиқада қуёш осмон экваторини кесиб ўтади.

1. Кабиса йили, яъни ортиқ йилда, бинобарин, 1990 йилда ҳам, 31 кун.

Чунончи, мучал ҳисоби билан маймун—ҳамдуна йили ҳам шу кундан бошланади. Баҳор эса 1 мартдан эмас, балки Наврўз билан бирга 21 мартдан бошланади. Унгача қиш — ҳут ой давом этади.

Қиш чилласи 21 декабрдан 29 январгача ҳисоб қилинади.

ТУРКИЯ давлати билан борди-келди, савдо-сотиқ тобора ривожланиб бораётганлиги муносабати билан ҳозир Туркиядаги ойларнинг, ҳафта кунларининг номини билиб қўйиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмас.

Ҳозирги Туркияда ойларнинг номи:

Январь — ўчоқ ойи
Февраль — шубот ойи
Март — март ойи
Апрель — инсон ойи
Май — майис ойи
Июнь — ҳазарон ойи
Июль — теммуз ойи
Август — агустос ойи
Сентябрь — эйлул ойи
Октябрь — эким ойи
Ноябрь — қасим ойи
Декабрь — оралиқ ойи

Ҳозирги Туркияда кунларнинг номи:

Душанба — пазартеси
Сешанба — соли
Чоршанба — чоршамба
Пайшанба — першамба
Жума — жума
Шанба — жумартеси
Якшанба — пазар

Ш. КУНЧИ,
кекса журналист.

ДАРМОН ТАОМЛАР

КЎК СОМСА

Ҳамири оддий сомсаникидек қорилади. Фақат ҳамиртуруш қўшилгани учун сомсанинг эти юмшоқ бўлади. Қиймаси отқулоқ, жаг-жаг, ялпиз, йўнғичқа, шўра каби гиёҳлардан тайёрланади. Кўкатлар 4—5 марта яхшилаб ювилгач, суви сирқитилади ва майдалаб тўғралади ёки чопилади. Унга бош пиёз, кўк пиёз, саримсоқ кўки, жизза ёки қўй ёғи, туз ва мурч қўшилади. Олдиндан тайёрланган жилдларга бир қошиқдан қийма солиб, тўртбурчак шаклида сомсалар тугилади. Тандир ёки газ плиталарида ёпиш мумкин.

Тайёрлаш учун хамирига 500 гр. оқ ун, 25 гр. хамиртуруш, бир стакан илиқ сув, бир чой қошиғида туз лозим. Қиймасига турли кўкатлардан 500 гр., бир боғ кўк пиёз, бир боғ саримсоқ кўки, 2—3 бош оқ пиёз, 100 гр. жизза ёки 50 гр. чарви ёғи ҳамда туз ва мурч солинади.

КЎК ЧУЧВАРА

Қиймасини тайёрлаш ҳам ўзига хос: ялпиз, отқулоқ, жаг-жаг, исмалоқ, йўнғичқа каби кўкатларни яхшилаб саралаб, бир неча марта ювиб, суви сирқитилади. Кейин майдалаб чопилади. Бош пиёз, кўк пиёз, саримсоқ кўки ва жизза қўшилади. Кўк қиймани қўй ёғида жазлаб, тухум чақиб аралаштирасиз. Пишган тухумни майдалаб тўғраб солиш ҳам мумкин. Туз мурч билан таъми созланади. Кўкнинг сели чиққанда оловини ўчириб, 10—15 минут димланади.

Хамири тухумли бўлиб қатиққа қорилади. Тиндирилгач, юпқа қилиб ёйилади ҳамда 5х5 см ҳажмида кесилади. Сўнг чучваралар тугилади. Чучварани пишириш одатдагидек. таомнинг юзига сарёғ суртиб ёки қаймоқ севалаб дастурхонга тортилади.

Хамири учун: 0,5 гр. оқ ун, бир дона тухум, ярим стакан илиқ сув, бир қошиқ туз. Қиймаси учун: 1 кг. турли баҳорий гиёҳлар, 3—4 бош пиёз, бир боғ кўк пиёз, бир боғ саримсоқ, 150 гр. қўй ёғи 1 стакан жизза, 2—3 дона тухум, туз ва мурч солинади.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

23 МАРТ, ДУШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Баҳор севинчлари». 19.00 «Ўзбекистон» 19.20 «Мушоира». 19.50 Тижорат хабарлари. 19.55 Дилрабо концерт. 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Қадрият». 21.25 Футбол «Пахтакор» жамоаси хотира соврини учун. 22.55 «Ногдаун». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

18.30 «Совға». 18.50 «Фақат қизлар учун». 19.50 «Жайронлар ороли». 20.00 «Лаҳза» 20.10 «Билиб қўйган яхши». 20.25 «Салом, ёшлар!». 21.25 «Лаҳза». 21.35 «Киноактёрлик касби». Бадиий фильм.

● ОРБИТА IV

6.00 «Тонг». 8.35 «Янги авлод танлайди». 9.30 Қадимий саҳий эртаклар. «Қорқиз». 11.15 «Адмирал Ушаков». 11.45 «Забава» ансамблининг чиқиши. 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Гримсиз». 13.45 Мультфильм. 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар 15.25 «Бу бўлган, бўлганди...». 15.45 «В. Давидов ва Голиаф» Бадиий фильм. 16.10 «Жуда дарахтини яшин урмайди». 16.40 «Машенька». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.25 Футбол шарҳи. 18.55 «НЭП». 19.25 «Мен Пелидан...». Бадиий филм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Кирилл Туровский» 21.40 «Янги студия» таништиради. 22.00 Муаллифлар ойнаи жаҳони. 24.00 Янгиликлар 00.35 «Янги студия» таништиради 01.15 «Миср тунлари». 01.55 Волейбол. Россия чемпионати 02.40 «Китобхона».

24 МАРТ, СЕШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Истиқбол эгалари». 8.55 «Олтин тоғ сири». Бадиий фильм. 10.10 «Ёшлик». 10.55 Футбол. «Пахтакор» жамоаси хотира соврини учун. 12.25 «Қўғирчоқлар менинг дўстларим». 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Наврўз чечаклари». 18.45 «Мустақилликнинг илк баҳори». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Инсон ва қонун» сочтасидан. 19.55 «Спортлото». 20.00 Чолғу куйларидан концерт. 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Саховат». 21.35 «Сўқир кўзнинг очилиши». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

18.30 «Тақдиринг қўлингда». Бадиий фильм. 19.50 «Қизиқарли учрашувлар». 20.50 «Бу оқшомда». 22.00 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Давлат «Марий эл» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 9.15 Мультфильм. 9.30 Қадимий саҳий эртаклар. «Тентак Иванушка мўъжиза кетидан боргани ҳақида». 11.00 «Қурбонлик». 11.30 Футбол шарҳи. Янгиликлар. 12.25 Ритмик гимнастика. 12.55 Ф. Шопен асарларидан концерт. 13.45 Мультфильмлар. 14.25 «Ён дафтар». 14.30 «Бу сизга керакми?». 14.45 «Савдо растаси». 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Ёшлигимда биз ҳавас қилган спортчилар». 15.45 «Сиз билан ёнма-ён». Бадиий фильм. 16.55 Мультфильм. 17.05 «Болалар мусиқий клуби». 17.45 «Чемпионлар билан биргаликда». 18.00 Янгиликлар. 18.20 Чернобиль зонасининг сталкери». 18.50 «Айиқчалар боришарди». 19.20 «Мавзу». 20.05 «Илья Сельвинский. Соцреализм тонгида». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. 23.00 Футбол. Уэмбли йўлида. 24.00 Янгиликлар. 00.35 «Қора дарахтдан ясалган минора». Бадиий фильм. 01.55 Мусиқий башорат.

● Рўзноманинг бу сонидаги суратларни В. МОЛГАЧЕВ, Ғ. АЛИЕВ, Р. АЛЬБЕКОВ ва В. ПАНОВ олган.

• Янги рўзнома •

ЯХШИЛИККА БУЮРСИН

Ўзбекистон халқ академиясининг нашри — ижтимоий-маънавий рўзномаси «Қадрият»нинг қалдирғоч сонини қўлга олган, кўпни кўрган бир зиёли бу янгиликни эшитиб: «Яхшиликка буюрсин» деди. Рўзнома таҳририятининг нияти ҳам шу.

Рўзнома Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг табрик хати билан очилади. Ҳар ойда бир марта нашр этиладиган «Қадрият» қалдирғоч сонианок ўз мавзуларини, йўналишини топиб олгани кўриниб турибди. Ўзбекистон халқ академиясининг президенти Т. Рашидовнинг «Келажак — иқтидорлилар қўлида», М. Қаюмовнинг «Рашидовдан ёмонлик кўрмадим». Т. Ҳайитнинг «Эфталитми ё элталаб?..», бир гуруҳ олимларнинг «Хусусий дорилфунун зарурми?» сингари мақолалари шундай дейишга асос бўла олади, деб ўйлаймиз.

Яна бир қувончлиси шуки, келгуси йилдан бошлаб янги рўзномани доимий чоп этиш режалаштирилган. Ҳозирча у қоғоз тақчиллиги туфайли фақат чакана савдо йўли билан мухлисларига етиб бормоқда. Келгуси йилдан уни обуна нашрлари рўйхатига киритиш масаласи ҳал этилмоқда. Таҳририят ўз саҳифаларида имон-эътиқод, маърифат ва маънавиятга, жаҳон кашфиётларига, умумий маданиятга катта ҳисса қўшган буюк алломаларимиз қолдирган бой меросни ҳаётга сингдириш, амалиётда кенг қўллаш учун умумхалқ мададига суянади. У сизга руҳий ҳордиқ ва маънавий озиқ беради.

«Қадрият», сени ёмон кўзлардан асрасин, умрнинг узоқ бўлсин, парвозингга қанот берсин!

ҚИЗИЛ ГУЛ САЙЛИ

• АНЪАНАЛАРИМИЗ •

Болалик хотиралари... Улар бир умрга инсон онгида муҳрланиб қолар, гоҳигоҳида олисдан келаётган қўшиқ сингари киши қалбини қитиқлар экан.

Ойим ҳали тонг ёришмай уйғотиб, қўл-юзимни ювганликлари, янги тўнни кийгазиб, бошимга зар дўппини қўндирганликлари, белимга шойи белбоғни боғлаб, пешонамдан ўпганлари ҳамон эсимда. Дарвоқе, ўша йиллардан эсон-омон шу кунларга етиб келган белбоғ оиламизнинг энг муқаддас ашёси ҳисобланади

Ўша куни биз чой ҳам ичмай отам билан олис сафарга отландик. Сафар манзили Баҳовуддин Нақшбандий ҳазратларининг муборак мақбаралари эканлигини мен орадан кўп йиллар ўтгач англадим. Ўшанда эса шаҳарнинг ташқарисида бўлган мақбара хонақосининг салобатли гумбази сари яқинлашиб борар эканмиз, юрак уриши тобора тезлашар, гўёки афсонавий бир дунёга кириб бораётгандай эдим.

Чиндан ҳам мақбара чегарасига қадам босишимиз биланоқ гўёки бошқа бир мўъжизавий дунёга кириб бордик. Масжиду мадрасалар, мовий гумбазлар қишини ҳайратда қолдирарди. Мақбаранинг бир чеккасидаги оппоқ гуллаган ўрикзорнинг турли бурчакларида қурилган ранг-баранг чодирлар, йигит-қизларнинг шўх қийқириқлари, болалар тиним-сиз айлантираётган шақилдоқлар товуши, у ёқ бу ёқда чордана қуриб ўтирган муллалар тиловати бир-бирига қўшилиб ажиб бир маъракa вужудга келган эди.

Биз оқшомгача бир чодирдан иккинчисига ўтиб отамнинг кўпгина ёру биродарлари даврасида ўтирдик, Ҳалифа, мошова, кочи, ҳалим, шовла сингари ажиб таомлардан тановвул қилдик, косаларда қўйилган шинни шарбатлардан тўйиб-тўйиб ичдик, Кейин новвот, турли ҳолвалар билан ҳуржунимизни тўлдириб, минг хил ҳиз-туйғуларга лиммо-лим ҳолда хонадонимизга қайтдик.

Асрлар мобайнида Баҳовуддин ҳазратлари мақбараси атрофидаги боғларда нишонланадиган Қизил гул сайлининг бу энг сўнггиси эканлигини биз ҳали билмас эдик. Қизил гул сайли одатда Наврўз кунларида бошланиб деярли бир ой давом этар, бухороликлар ойла-ойла бўлиб бу ерга келишар, шойи ва адрасдўзлар, кулол ва гиламдўзлар, қандолатпаз ва ҳолвапазлар бу ерда ўз санъатларини намойиш этишарди. Умуман, барча бухоролик ҳунарманд ва котиблар шу кунларда ўз пиру устозларига таъзим қилиш, унинг сўнги оромгоҳ яқинида кўнгилхушлик қилиб, янги йил учун куч-ғайрат тўплашарди.

Афсуски, ўшандан кейин Қизил гул сайлига яна қатнашиш менга насиб этмади. Эллигинчи йилларнинг охирига келиб Баҳовуддин Нақшбандий мақбараси ёпиб қўйилди, ҳатто Қизил гул сайли ҳам диний маросим деб эълон қилиниб, халқ турмушидан суғуриб ташланди. Лекин инсон хотирасидан ўша ажиб манзараларни ўчириб ташлашга улар ожизлик қилишди. Орадан йиллар, ўн йиллар ўтганига қарамай бу хотиралар қариялар, ўрта ёшдаги минглаб бухоролик-ларнинг юрагида ҳамон яшамоқда.

Ўзбекистон «Билим» жамияти томонидан атиги 500 нусхада тарғиботчиларга ёрдам тарзида ўтган йили чоп этилган «Қизил гул сайли» китобчасини варақлар эканман, ўша сайлда айтилган шўх лапарлар, ҳузурбахш қўшиқлар қайтиб қулоқларим остида жаранглади. Уларнинг айримларини сиз ҳам эшитинг:

Шоҳи атлас кийибсиз,
Туморларни илибсиз
Баҳовутддин бормоқни
Юракларга тугибсиз...

Ҳавоси Ҳаким Луқмон
Керак элга соябон
Баҳовутддин юртига
Узилмас, келар меҳмон.

Келдилар тоғлар оша
Бўлди ажиб томоша
Бухор элда гул сайли
Уз номига яраша.

Етимга беринг ошлар,
Эгилмасин ёш бошлар.
Сағирнинг ҳам сайлидир,
Тўкилмасин кўз ёшлар.

Қавмларга айтингиз,
Эгри йўлдан қайтингиз,
Мамлакатда сайлидир
Тугамасин байтингиз.

Туз ташламанг шиннига
Қуйиб қўйинг чиннига
Баҳовутддин боғида
Улашинг оға-инига...

Олим Хўжаев номидаги Бухоро билимгоҳининг ўқитувчиси Гулсара Қаюмова кўп йиллар мобайнида бухоролик отахон ва онахонлар билан мулоқотга кириб, бу қўшиқ ва лапарларни йиғди. Қизил гул сайлини ўтказиш ташкилотларини қайта тиклади. Гап энди бу анъанани янгитдан турмушимизга сингдириш тўғрисида бормоқда.

Бухоро атрофидаги адрларда лола қизғалдоқлар очилаяпти. Қизил гул сайлини ўтказишнинг айни пайти. Балки бу сайлни жонажон республикамиз мустақиллик сари қадам босган йил Наврўзида ҳам илк бор ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Сиз бу тўғрида нима дейсиз?

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-26-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г 15.

№ 58.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.